

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXII СЪЕЗДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 211 (1989). 24 октябрь, сешанба, 1961 йил. Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

21 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз иштини давом эттирди.

Съезд КПСС Марказий Комитетнинг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Кечки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан самимий кутиб олинган чет эл коммунистик ва ишчи партияларининг вакиллари — Куба Бирлашган революцион ташкилотлар раҳбарлигининг аъзоси ўртоқ Блас Рока, Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси ўртоқ Дипа Нусантара Айдит, Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг бош секретари ўртоқ Ажой Кумар Гхош съездни табриклади.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди. Мажлисда Ногинск районидagi Купавино мовут фабрикаси мастерининг ёрдамчиси М. И. Рожнева (Москва область партия ташкилоти), СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари Г. И. Воробьев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Н. Заробян ўртоқлар сўзга чиқдилар.

23 октябрда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXII съезди ўз иштини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда делегатлар ва меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинган чет эл коммунистик партияларининг вакиллари: Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси Сандзо Носака, АҚШ Коммунистик партияси миллий комитетининг раиси Элизабет Гэрли Флинн, Германия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Макс Рейман, Испания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибаррури, Финляндия Коммунистик партиясининг бош секретари Вилле Пессин съездни табриклади.

Сўнгра съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилишни давом эттирди. Мажлисда Вишне Волочек ип-газлама комбинати йиғирувчиларининг бригадари В. И. Гаганова (Калинин партия ташкилоти), РСФСР Министрлар Советининг раиси Д. С. Полянский, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Ю. Снечук, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Усубалиев, КПСС Хабаровск ўлка комитетининг биринчи секретари А. П. Шитиков ўртоқлар сўзга чиқдилар.



Кремлдаги Съездлар саройида. Н. С. Хрушчев Гвинея Демократик партияси делегацияси билан суҳбатлашмоқда. С. Гурарий фотоси, («Труд» газетасидан).

Мусобақа пешқадамлари

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни янгиб-териб олишда колхоз ҳамда совхозларга актив ердан бераётган Тошкент шаҳар районлари ва область шаҳарлари ўртасида бошланган социалистик мусобақанинг 16 октябрдан 21 октябргача бўлган якуини қўриб чиқдилар.

Област партия комитети ва область ижроия комитетининг кўмаки билан Тошкент шаҳар Ленин районидa қўлдирилди (район партия комитетининг секретари Солидов, район ижроия комитетининг раиси Писковский, район комсомол комитетининг секретари Сандалиев ўртоқлар). Бу район пахта йиғим-теримида кўп кишини жалб этган ва ўтган беш кунлида 2109 тонна пахта терган.

Тошкент шаҳар Фрунзе райони ва Бекобод шаҳри меҳнаткашларининг пахта йиғим-теримида яхши ишлаётганликлари қайд қилинди.

Қуйичирчиқ райони пахта тайёрлаш планини бажарди

Қуйи Чирчиқ районининг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ажойиб натижаларни қўлга киритдилар. Район 22 октябрь кунини давлатга пахта сотиш йиллик планини 100,05 процент қилиб адо этди. Тайёрлов пунктларига 12.937 тонна пахта топширилди. Бу — ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 4890 тонна кўп.

Умумий ҳосилнинг 98 проценти биринчи сортга топширилди. Район бўйича 5196 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 25 центнердан пахта ҳосил қўтарилди. Тайёрлов пунктларига 7905 тонна пахта қон-қанорсиз эланишга йўналтирилди.

тиб берилди. Пахта териш машиналари билан 5.220 тонна «оқ олтин» териб олинди.

Районда айниқса Димитров номида тажриба-намуна хўжалигининг коллективи жуда катта муваффақиятга эришди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 143,1 процент, социалистик мажбуриятни эса 107 процент қилиб бажарди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўрта ҳисобда 35 центнерни ташкил этди.

«Коммунизм» совхозининг пахтакорлари ҳам йиллик планини бажардилар. Шу кунларда улар пахта йиғим-теримини жадал суръатлар билан давом эттирмоқдалар.

Пахта йиғим-теримида комплекс механизациялашган янгор трактордалачилик бригадалари юксак муваффақиятлари қўлга киритдилар. Димитров номида колхозининг Юсуф Ланзаков, Семен Мун, Илаш Эргашев, Валентин Ким, Ким И Себ, Григорий Пак, Борис Хан ва Саид Бойқизиллов ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг пахтакорлари гектар бошига 36-40 центнердан «оқ олтин» ҳосил қўтардилар.

ХВС-1,2 пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари механизациялашган пахта теримида ажойиб ютуқларга эришдилар. Ҳозиргача Чабанов 145 тонна, И. Сараметов 139 тонна, Чен Ридван 120 тонна, Жоджан Азма 118 тонна, С. Женалиев 158 тонна, А. Гафоров 151 тонна пахта териб олди.

Ўнлаб ва юзлаб колхозчилар шу кунгача 10—15 тоннадан пахта териб олиб, бошқаларга ўрнат қўрсатмоқдалар. Пахта йиғим-теримида районнинг саноат корхоналари ва ташкилотларининг ишчилари ҳамда хизматчилари активлик қўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Пахта — Қуйи Чирчиқ районининг бирдан-бир маҳсулоти эмас. Бу ерда жуда катта майдонларни дуб экинлари эгаллаган. Район дубкорлари ҳам катта ютуққа эришдилар. Улар 22 октябрь кунини қадар давлатга 111 минг тонна қаноп полси сотиб, йиллик планини 123 процент адо этдилар. Район

он бўйича ҳар гектар ердан 100 центнердан қаноп полси ўриб олинди. Бу ўтган йилдагига нисбатан гектар бошига 7 центнердан кўпдир.

Районнинг колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевнинг қўрсатмаларини оғишмай амалга ошириб, маккажўхори ўстиришга алоҳида аҳамият бердилар ва бу қимматли ўсимликдан юқори ҳосил олдилар. Ҳаммаси бўлиб 40422 тонна силос бостирилди. Бу ҳар бир сиргирга 15 тоннадан тўғри келади.

Шунингдек, район давлатга пилла сотиш планини 100,3 процент, гўшт сотиш планини 102,3 процент, тухум сотиш планини 108,5 процент, жуён сотиш планини 112,2 процент қилиб бажарди. Давлатга 5017,5 тонна узум сотилди. 6991 гектар ер сифатли шудгор қилинди.

Район саноат корхоналарининг ишчилари ҳам КПСС XXII съезди шарафига бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, яхши қўрсаткичларга эришдилар. Солдатск ва Гул, Новожиженск ва Қўрғонча жут-каноп заводларининг коллективлари яхши маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планларини бажардилар. Тошовул ва Улди жут-каноп заводларининг ишчилари ҳам яхши натижаларини қўлга киритдилар.

Қуйи Чирчиқ районининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз ишларининг ҳисоблаб чиқиб, 24 Октябр социалистик революциясининг 44 йиллиги байрам қилинадиган кунгача еттиштирилган пахта ҳосилини тўла-тўқис йиғиб-териб олиб давлатга пахта сотиш юзасидан эълонларига олган социалистик мажбуриятини бажариш, давлатга сотиладиган қаноп полсини 115 минг тоннага, уруғлик қанопини 950 тоннага етказиб, қаноп ҳосили еттиштириш бўйича олинган социалистик мажбуриятини бажаришга қарор қилдилар. Бундан ташқари йил охиригача давлатга сут сотиш планини ҳам бажариш. 1961 йил 20 ноябрга қадар шудгорлашни тўталашга қарор қилинди.

КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА

Съезднинг 21 октябрдаги эрталабки мажлиси

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ўз иштини давом эттирмоқда.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботини, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программасининг проектини ва КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладини муҳокама қилмоқда.

Ўртоқ П. Н. Демичев раислик қилди. У ВЦСПС раиси ўртоқ В. В. Гришинга сўз берди. Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевнинг сермамуни докладлари ҳаммамизда унутулмас таассурот қолдирди. дейди нотиқ. Бу докладларда ҳозирги халқро аҳвол марксиз-ленинча анализ қилиб берилди. совет халқининг қаҳрамон ва меҳнати, мамлакатимизнинг буюк муваффақиятлари равшан ва яққол кўрсатилди. коммунистик жамият қуриш программаси очиб ва илмий ҳаётдан асослаб берилди.

В. В. Гришин айтидики, янги Программанинг ҳар бир сатри совет халқининг бахт-саодати ва фарогати тўғрисида ленинча гамхўрлик билан сўзланган. Партия Программасининг проекти партия ташкилотларининг, элнинг балли меҳнаткашларининг йиғилишларида, касаба союзларида ҳам кенг муҳокама қилинди. Бутун совет халқимиз КПСС Программасини қизгин маъқуллади, уни ўзининг аса, жо-нажон иши деб, ўз программаси деб, ўз ҳаётининг буюк мақсади деб қабул қилди.

Нотиқ халқимизнинг коммунистик қурилишдаги жуда катта муваффақиятлари тўғрисида гапириб, партия турмуши ленинча нормаларининг, коллектив раҳбарлик принципининг тикланганлиги ва янада ривожлантирилганлиги, антипартиявий фракцион группанинг ўзлик-кесил тор-мор келтирилганлиги партия фаолиятида катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлади.

В. В. Гришин халқнинг XXII съездга тайёргарлик қиларгани айниқса зўр куч билан намоён бўлган қўдратли снсий активлиги ва меҳнат рабрати тўғрисида гапирди. Ишчилар инженирлар ва техниклар тўққиз ойлик планининг ортиги билан бажарилишини таъминладилар ҳамда пландан ташқари икки миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Москва, Ленинград меҳнаткашлари Украина, Урал, Сибирь, иттифоқчи республикалар ва областлардаги кўпгина саноат марказларининг меҳнаткашлари съезддаги мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Қўлгина колхоз, совхоз кол-

лективлари, ўн минглаб қишлоқ хўжалик ишгорлари ҳамма экинлардан мўл ҳосил олишга, чорвачиликка юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар.

Мамлакатимиз рационализаторлари ва иxtиrhoчлари ўзларининг съезддаги мажбуриятларини бажардилар. Шу йилнинг 9 ойи ичида улар 2 миллион тахлил ишлаб чиқилар ва уларни халқ хўжалигига жорий қилдилар. бу эса йилга 1.200 миллион сўм маблаг тежашга имкон беради. Халқимиз эришган ҳамма иқтисодий муваффақиятлар, дейди нотиқ, айтган билан адо бўлмайди. Бу муваффақиятлар меҳнаткашларнинг КПСС янги Программасини қизгин маъқуллаб-гина қолмай, балки мусобақани кенг авж олдириб, уни амалга оширишга киришганликларини ҳам кўрсатиб турибди. Ўртоқ Гришин коммунистик меҳнат ҳаракатининг ривожланишини ёрқин характер-лайдиган рақамлар келтирди. Уч йилдан камроқ вақт ичида бу ҳаракат қатнашчиларининг сони 20 миллион кишига етди.

Бизнинг муваффақиятларимиз жуда катта ва уларни ҳамма эълон қилди. дейди нотиқ. Бироқ, биз халқ хўжалиги айрим тармоқларининг, корхона ва қурилишларнинг ишдаги камчиликларга эътибор бермай ўтмаймиз. Саноат ишлаб чиқариш плани умуман анча ошириб бажарилгани ҳолда, давлат топшириқларини бажармаётган корхоналар ҳам бор. В. В. Гришин мамлакатнинг қарийб бир ярим миллион сўмлик маҳсулотни камроқ берган бир қанча йirik корхоналарини айтиб ўтди, планлаштириш ва моддий-техника таъминотидаги, бир қанча иқтисодий районларнинг хўжалик раҳбарлигидаги камчиликларини кўрсатди.

Сўнгра ВЦСПС раиси ҳозир мамлакатимизда бир йил ичида биринчи ва иккинчи беш йилликларнинг ҳамма йилларида қурилишдан кўпроқ уй-жойлар қуриладиганлигини айтди. Бироқ, бир қанча республикалар ва областлар уй-жойларини, шунингдек маданий-маиший муассасаларни фойдаланишга топшириш планини систематик суратда бажармай келмоқдалар.

Касаба союзлари, деб давом қилади В. В. Гришин, партиянинг ишончли таянчидир. коммунизм учун курашда катта ижтимоий кучдир. Ҳозирги вақтда касаба союзлари 63 миллион киши ва хизматчиларни бирлаштирмоқда, бу эса

партиянинг XX съезди арафасида бўлганидан 18 миллион киши ортиқдир. У дейдики, коммунистик партия касаба союзларининг фаолиятини гамхўрлик билан йўналтирмоқда, уларнинг ишига кун сайин ёрдам бериб турмоқда, уларнинг функциялари ва ҳуқуқларини кенгайтирмоқда. Партиянинг доимий раҳбарлиги, қўллаб-қувватлаши ва ёрдами гуфайли касаба союзларининг фаолияти янада ҳар томонлама ривожланади, уларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишдаги роли ўсиб.

Касаба союзлари — мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада оқсатириш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда иборат марказий вазифани бажариш учун курашга ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарфламоқдалар. Касаба союзлари халқ хўжалигини планлаштиришда актив қатнашмоқдалар, ишлаб чиқариш кенгашларини қайта қуриб, уларни доимий ишлаб турувчи органларга айлантирди. Доимий

ишлаб чиқариш кенгашлари составига ҳозир 4,5 миллион киши ва хизматчи сайланган. Касаба союзларининг раҳбарлигида ишлаётган илмий-техника жамиятлари ҳамда иxtиrhoчлар ва рационализаторлар ташкилотлари оммавий ташкилотлар бўлиб қолди. Улар ишлаб чиқариш мутахассислари ва новаторларидан 4 миллион кишини бирлаштирди.

Ўртоқ Гришин таъкидлайдики, касаба союз ташкилотлари халқнинг турмуш даражасини юксалтириш соҳасида партия ва ҳукумат белгилаган ташкилотлар бажариш учун актив курашмоқдалар, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш йўлида катта иш олиб бормоқдалар. Меҳнатни муҳофаза қилишни янада яхшилаш чораларини амалга ошириш, ишчиларга текин махсус кийимлар бериш учун корхоналарнинг касаба союз ташкилотлари билан маъмуриятнинг коллектив шартномалари бўйичагина олти йил ичида 6 миллион сўм маблаг сарфланди. Шу

вақт ичида касаба союзлари социал страхование бўйича (пенсиялардан ташқари) нафақа тўлаш учун меҳнаткашлар ва уларнинг болаларини даволаш ҳамда маданий хизмат кўрсатиш учун давлат ва касаба союз бюджетини ҳисобидан 14 миллион сўм маблаг сарфландилар. Касаба союзларининг санаторийларида, дам олиш уйлари ва туристик базаларида йил сайин олти миллионга яқин меҳнаткашлар даволанмоқда ва дам олмоқда. Миллион-миллион касаба союз активлари уй-жойларнинг тақсимланшини, савдо ва умумий оқатлаиш қондаларида риоя этилишини контроль қилишда қатнашмоқдалар.

Совет касаба союзларининг бутун фаолияти коммунистик жамият қурилишида оммани қатнаштиришнинг жамоатчилик формалари кенг ривожлантирилганлигини яққол кўрсатиб турибди.


Шу билан бирга, дейди нотиқ, касаба союзларининг ишида халқ камчиликлар оз эмас. Қўлгина касаба союз ташкилотлари ўз ҳуқуқларидан кам фойдаланмоқдалар ишлаб чиқаришни ва меҳнатини таъминлаш бўйича маданий хизмат кўрсатишини яхшилаш масалаларини қўйиш ва ҳал этишда етарли ташаббус ва активлик кўрсатмайтирлар.

(Давоми иккинчи бетда)



Суратларда: «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг 4-бўлими механик-ҳайдовчиларидан (чапдан) Ақром Азизхўжаев, Иброҳим Мамажонов, Ҳамрали Худойназаров, Қодир Харачиш ва Маъмур Расулов. Бу ўртоқларнинг ҳар бири ўз агрегати билан 80—100 тоннадан пахта териб, Қуйи Чирчиқ районининг йиллик планини бажаришга муносиб ҳисса қўшдилар. 2. Шу райondaги Қрасин номида колхозининг 1-бригадасида ишлаётган теримчилардан Жамила Тасилова, Бусара Пуштоева ва Боржон Ўрозова ўртоқлар. Улар ҳозиргача 5—6 тоннадан ошириб пахта териб олдилар.

Уртқо Ю. Цеденбал айтдики: Албани Мехнат партияси раҳбарларининг ҳақ йўли социализмга мамлакатлар ўртадаги муносабатларнинг интернационализи руҳига тамомла хилофдир. Албани Мехнат партияси раҳбарларининг ана шу ҳақ йўли умумий ишнингга ва аввало, Албани халқининг миллий манфаатларига зарар етказәди.



(Давоми учинчи бетда)

